

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.18/30.12.2019.Т.09.01 ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИБРАГИМОВ БОТИР ДАСТАМОВИЧ

**КЎП ХУСУСИЯТЛИ ҚОПЛАМА ЁРДАМИДА ТРАНСПОРТ-
ТЕХНОЛОГИК МАШИНАЛАР УЗЕЛЛАРИ ВА КУЗОВ
ҚИСМЛАРИНИНГ ДАВРИЙЛИГИНИ ОШИРИШ**

05.08.06 – Гилдиракли ва гусеничали машиналар ва уларни ишлатиш

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Ибрагимов Ботир Дастамович

Кўп хусусиятли қоплама ёрдамида транспорт-технологик машиналар узеллари ва кузов қисмларининг даврийлигини ошириш3

Ибрагимов Ботир Дастамович

Повышение долговечности деталей кузова и узлов транспортно-технологических машин многофункциональным покрытием 20

Ibragimov Botir Dastamovich

Increasing the durability of body parts and units of transport and technological machines by multi-functional coating.....37

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works40

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.18/30.12.2019.Т.09.01 ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИБРАГИМОВ БОТИР ДАСТАМОВИЧ

**КЎП ХУСУСИЯТЛИ ҚОПЛАМА ЁРДАМИДА ТРАНСПОРТ-
ТЕХНОЛОГИК МАШИНАЛАР УЗЕЛЛАРИ ВА КУЗОВ
ҚИСМЛАРИНИНГ ДАВРИЙЛИГИНИ ОШИРИШ**

05.08.06 – Ғилдиракли ва гусеничали машиналар ва уларни ишлатиш

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.PhD/T2138 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат транспорт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tdtu.uz) ва «ZiyoNet» ахборот тўғрисида тармоғида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Хакимов Ровшан Мунинович
техника фанлари номзоли, доцент

Расмий оппонентлар:

Шарипов Қонғратбой Аvezимбетович
техника фанлари доктори, профессор
Нуркулов Файзулла Нурмунинович
техника фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Андижон машинасозлик институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат транспорт университети ҳузуридаги DSc.18/30.12.2019.T.09.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «11» 12 соат 10⁰⁰ даги мажлисида онлайн тарзида бўлиб ўтади (Манзил: 100167, Тошкент ш., Одиҳўджаев кўчаси, 1. Тел./факс: (998-71)-277-54-87, e-mail: tashiit_rektorat@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент давлат транспорт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (039-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил:100167, Тошкент ш., Одиҳўджаев кўчаси, 1. Тел./факс: (998-71)-277-54-87, e-mail: tashiit_rektorat@mail.ru).

Диссертация автореферати 2021 йил «29» 11 куни тарқатилган.
(2021 йил «30» 10..... № 8 рақамли реестр баённомаси).



[Signature]

А.А. Рискулов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

[Signature]

Р.М. Худайкулов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби, PhD, доцент

[Signature]

А.А. Мухитдинов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги Илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда транспорт-технологик машиналарнинг кузов қисмлари ва узелларини коррозия ҳамда бошқа таъсирлардан сақлашда юқори самадорлик кўрсаткичларга эга бўлган композицион эпоксиуретан полимер қопламаларидан фойдаланишга катта эътибор қаратилмоқда. Шу жиҳатдан транспорт-технологик машиналар узеллари ва кузов қисмларига таъсир этувчи коррозия, шовқин изоляцияси ва вибрацияга чидамлилиқ параметрларига эга эпоксиуретан полимер материаллари асосидаги кўп хусусиятли қопламаларини яратиш муҳим аҳамият касб этади. Ушбу йўналишда дунёнинг ривожланган мамлакатларида, жумладан Германия, Италия, АҚШ, Франция, Япония, Хитой, Россия ва бошқа давлатларда транспорт-технологик машиналарга эксплуатацион шароитларда ишончилиги ва чидамлилиги юқори бўлган янги кўп хусусиятли қопламаларни қўллаб кузов деталлари ва узелларнинг ишлаш даврини ошириш, хусусан транспорт-технологик машиналар кузов ости, рама, қанот каби қисмларини химояловчи мустаҳкам қатламли қопламаларни ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда кўп хусусиятли химоя қопламалари ёрдамида транспорт-технологик машиналарнинг ишлаш даврини оширувчи, вибрация, шовқин даражасини пасайтирувчи усуллар ва математик моделларини ишлаб чиқиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, жумладан транспорт-технологик машиналарнинг узел ва кузов қисмлари учун кўп функцияли қопламаларнинг тебраниш хоссаларини акс эттирувчи математик моделларини такомиллаштириш, антивибрациянинг янги параметрларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг хоссаларини аниқловчи динамик моделларини такомиллаштириш, коррозиябардошлиқ, адгезия, иссиқ ва совуққа ҳамда зарбаларга чидамлилиқ усулларини ишлаб чиқиш. Шу билан бирга, транспорт-технологик машиналарнинг узел ва кузов қисмлари учун юқори физик-механик ва эксплуатацион хоссали, кўп хусусиятли қоплама олиш учун эпоксид смоласи асосида оптимал таркиб ишлаб чиқиш зарур ҳисобланмоқда.

Республикамизда енгил автомобиллар ва юк машиналари, йўл қурилиш машиналарини кенг миқёсда ишлаб чиқариш жараёнида металл қисмларининг ишлаш муддатини оширувчи кўп хусусиятли қопламаларни қўллашга алоҳида эътибор берилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «...илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновацион ютуқларни амалиётга жорий этишнинг самарали механизмлари...»¹ вазифалари алоҳида таъкидлаб ўтилган. Мазкур вазифаларни амалга ошириш

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947 «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги фармони

учун, жумладан транспорт-технологик машиналарнинг коррозиябардошлигини таъминловчи, ишчи ўринларидаги шовқин даражасини камайтирувчи, вибрацияни ютувчи кўп хусусиятли композицион эпоксиуретан полимер қопламаларни ишлаб чиқиш, пластификатор табиати ва унинг концентрациясининг адгезияга, таъсир кучига, юзани қоплаши ва эластиклигига, қуритиш вақтига таъсири каби хоссалари яхшиланган таркибларни ишлаб чиқиш ҳамда амалда уларни қўллаш бўйича усулларни такомиллаштириш муҳим масалалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг «Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида»ги Қонуни (2020), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2018 йил 20 октябрдаги ПҚ-841-сон «2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2020 йил 15 мартдаги ПҚ-6079-сон «Рақамли Ўзбекистон-2030» Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга диссертация тадқиқоти маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергоресурс-тежамкорлик, машинасозлик ва ресурстежамкорлик» устувор йўналишига мос равишда бажарилган.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Транспорт-технологик машиналарни коррозиядан химоя қилиш ва коррозияга қарши қопламаларнинг транспорт воситаларининг ишлаш давомийлигини ошириш, шовқин ва вибрацияга таъсирини ўрганиш бўйича жаҳондаги йирик тадқиқотчилар, жумладан, Beckford S., McCook N.L., Burris D.L., Bourne G.R., Wang W.H., Yi J., Chen L., Li X.Y. И.Л. Резенфельд, Ж. Тодт, Г.В. Акимов, Н.Д. Томашев, И.И. Артоболовский, Э.Л. Айрапетов, Л.Я.Банах, В.Л. Бидерман, В.В. Болотин, Ю.И. Бобровницкий, Р.Ф. Ганиев, М.Д. Генкин, Ф.М. Диментберг, М.З. Коловский, В.О. Кононенко, Я.Г. Пановко, В.И. Попков, Р.Б.Статников, Г.В.Тарханов, К.Т.Шаталов, К.В.Фролов, Р.Бишоп, С.Крендел, Е.Скучик, К.Завери ва бошқалар илмий тадқиқот ишлари олиб боришган.

Юртимизда транспорт-технологик машиналар ишлаш муддатини оширишда коррозияга қарши қопламаларни тадбиқ қилиш ва транспорт-технологик машиналарнинг шовқин ва вибрацияни камайтириш бўйича бир қатор олимлар томонидан тадқиқотлар олиб борилган. Жумладан, Ш.П.Алимухаммедов, К.А. Каримов, А. Жураев, А.Л. Барханаджян, А. Собиржонов, С.С.Жавлиев, Н.С.Абед, С.С.Негматов ва бошқалар транспорт-технологик машиналарни коррозиядан химоя қилишда қўлланиладиган қопламаларнинг самарали таркибини аниқлаш, шовқин ва вибрацияни уларнинг ишлаш даврига таъсирини ҳисобга олувчи турли

масалаларни назарий ва экспериментал тадқиқотлар орқали ҳал этиб ижобий натижаларга эришган.

Мавжуд ишлар таҳлиliga кўра, шуни таъкидлаш керакки, кўп хусуситли коррозияга қарши қопламаларни ишлаб чиқишда уларнинг ишлаш қобилятини ва ишлаш даврини (даврийлигини) белгиловчи адгезион ва бошқа физик-механик ҳамда эксплуатацион хоссалари ҳисобга олинмаган. Транспорт-технологик машиналарнинг кузов ва қисмларининг ишлаш даврини узайтирувчи коррозияга қарши қопламалар ишлаб чиқиш бўйича илмий-тадқиқотлар етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий-таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқотлари Тошкент давлат транспорт университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг №3473 «А-373 «М-39 а/й-Гулистон-Бўка-Ангрен-Қўқон ва Андижон орқали-Ўш» автомобил йўлининг 183-285 км оралиғида доимий ишлайдиган «Қамчиқавтойул» ихтисослашган йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси балансида бўлган машина механизмларни куз-қиш мавсумида қум ва туз аралашмасидан каррозияга учрашини олдини олиш бўйича илмий тадқиқот олиб бориш» (2020-2021) мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади кўп хусусиятли қопламалар билан транспорт-технологик машиналарнинг кузов деталлари ва узелларининг ишлаш даврини оширишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

коррозия, қоплама ва унинг хусусиятлари бўйича адабиётлар шарҳини ўтказиш ва назарий асослари тадқиқ қилиш;

кўп хусусиятли қопламалар ишлаб чиқиш учун маҳаллий хом-ашёлар танлаш ва асослаш ҳамда улар асосида қопламаларнинг янги турини ишлаб чиқиш;

янги ишлаб чиқилган кўп хусусиятли қопламаларнинг транспорт-технологик машиналар коррозиябардошлилигини ошириш хусусиятларини аниқлаш;

кўп хусусиятли қопламаларнинг транспорт-технологик машиналар турли хил режимларда ишлаганда шовқин ва вибрацияга таъсирини асослаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида MAN CLA 26.280 самосвал ва MAN CLA 18.280 технологик машиналари олинган.

Тадқиқотнинг предметини кўп хусусиятли каррозияга қарши қоплама ва унинг коррозияга қарши, шовқин ва вибрацияни камайтириш хусусиятларини ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида математик таҳлил ва математик статистика усуллари, назарий механика, автомобиль назарияси, моделлаштириш, классик механика ва синтез усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

транспорт-технологик машиналарнинг ишлаш даврини ошириш учун кўп хусусиятли қопламаларнинг энг самарали таркиби эпосиуретанни синтез қилиш ёрдамида аниқланган;

кўп хусусиятли қопламаларнинг таркибий формуласи диаминларнинг циклокарбонатлар билан бирикиши натижасида келтириб чиқарилган ва транспорт-технологик машиналар ресурсига боғлиқлиги коррозиябардошлик, шовқин ва вибрацияни камайтириш хусусиятлари ёрдамида асосланган;

кўп хусусиятли қопламанинг шовқинни камайтириш хусусияти қоплама таркиби ва қалинлигига боғлиқлиги товуш босими ва частотасини таҳлили орқали аниқланган;

кўп хусусиятли қопламаларнинг вибрация хусусиятларини ифодаловчи математик модель ҳайдовчи, иш ўрни ва асосга таъсир қилувчи кучлар орқали яратилган ва унинг асосида дифференциал тенгламалар ишлаб чиқилган;

транспорт-технологик машиналар кабинасида вибрация даражаси ҳисоблаш усули Matlab дастурлаш пакети ёрдамида ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

юқори физик-механик ва эксплуатацион хоссали кўп хусусиятли қоплама олиш учун эпоксид смоласи асосида оптимал таркиб ишлаб чиқилган;

вибрацияни ютувчи ва шовқиндан ҳимояловчи ишлаб чиқилган кўп хусусиятли қопламалар ёрдамида транспорт-технологик машиналарнинг ишчи ўринларидаги шовқин даражасини пасайтириш аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлиги изланишларнинг замонавий услуб ва воситалардан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, транспорт-технологик машиналарнинг эксплуатацион кўрсаткичлари ва иш режимларини назарий жиҳатдан асослаш назарий механика, материалшунослик ва олий математика қоидалари асосида амалга оширилганлиги, тажрибалар натижаларига математик статистика услублари билан ишлов берилганлиги ва модел ёрдамида қайта ишланганлиги, назарий ва амалий тадқиқотлар натижаларининг ўзаро адекватлиги, транспорт-технологик машиналарда синовлари ўтказилиб, кўп хусусиятли қопламанинг коррозиябардошлик, шовқин ва вибрацияни камайтирувчи кўрсаткичлари синов жиҳозларида аниқланганлиги, тадқиқот объекти амалиётга, ишлаб чиқариш жараёнига жорий қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти транспорт-технологик машиналарнинг ишлаш даврини узайтирувчи кўп хусусиятли қопламанинг энг самарали таркибини аниқлаш ва структура формуласини ишлаб чиқиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эса кўп хусусиятли қопламаларнинг энг самарали таркибини олиш ва уни транспорт-технологик машиналар қисмлари ва узеллари юзаларига сепиш технологияси, қопламанинг вибрациядан ҳимоя қилиш хусусиятини ҳисоблаш бўйича дастурий маҳсулот ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Кўп хусусиятли қоплама ёрдамида транспорт-технологик машиналар узеллари ва кузов

қисмларининг даврийлигини ошириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

эпосиуретанни синтез қилиш ёрдамида аниқланган кўп хусусиятли қопламаларнинг энг самарали таркиби Қамчиқавтойўл ихтисослашган йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси тасарруфидаги MAN CLA 26.280 ва MAN CLA 18.280 транспорт-технологик машиналарда жорий этилган («Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари кўмитаси»нинг 2021 йил 15 сентябрдаги 03-3623/1-сон маълумотномаси). Натижада, назорат остига олинган MAN CLA 26.280 самосвалининг юриш масофаси 8,35 минг км, MAN CLA 18.280 технологик машинасида мос равишда юриш масофаси 4,8 минг км гача ошириш, транспорт-технологик машиналарининг металл юзаларини коррозиядан самарали химоя қилиш имконини берган;

кўп хусусиятли қопламаларни қоплаш билан вибрация хоссаларини белгилаб берувчи ишлаб чиқилган «манба-ўриндик-оператор танаси» математик модели ва математик модель асосидаги дифференциал тенглама ҳамда транспорт-технологик машиналар ўриндикларидаги вибрация даражасини ҳисоблаш учун Matlab компютер дастури пакети транспорт технологик машиналар ишлаш даврини оширишда жорий этилган («Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари кўмитаси»нинг 2021 йил 15 сентябрдаги 03-3623/1-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасида кўп хусусиятли қопламани транспорт-технологик машиналарга қўллашда коррозияга қарши навбатдаги ишлов бериш миқдорини 4 мартага камайтириш, шовқинга таъсири транспорт-технологик машиналар кабинасида 0, 20, 30 км/соат тезликларида мос равишда 9, 8, 7 дБАга камайтириш, ҳайдовчи иш ўрнидаги вибрация амплитудаси, 20, 30, 40, 50 км/соат тезликларда мос равишда 0,02, 0,05, 0,1, 0,15 мм га камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 1 та республика ва 3 та халқаро илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси ва материаллари бўйича жами 9 та илмий иш чоп этилган. Олий Аттестация Комиссиясини диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, шартли белгилар ва атамалар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 102 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ ҚИСМИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурийлиги келтирилган, мақсад ва вазифалар, шунингдек, муаммонинг ўрганилганлик


даражаси, тадқиқотнинг усуллари, объекти ва предмети ифодаланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантириш йўналишига мувофиқлиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш рўйхати келтирилган, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг хажми, тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Кўп хусусиятли қопламаларнинг замонавий ҳолатини таҳлил қилиш**» деб номланган биринчи бобда коррозия назариясининг умумий қоидалари ва уларнинг кўрсаткичларини аниқлаш бўйича замонавий адабиёт манбаларининг таҳлили берилган. Автомобиль қисмларини коррозиядан ҳимоя қилиш учун коррозияга қарши қопламалар бўйича таниқли олимларнинг илмий тадқиқотлари ўрганилган ва таҳлил қилинган. Транспорт-технологик машиналар қисмларининг самарали кўп хусусиятли қопламаларини яратишга қўйиладиган талаблар шакллантирилган. Транспорт-технологик машиналар қисмлари кўп хусусиятли қопламаларининг шовқин изоляцияси ва вибрацияга чидамли хусусиятлари каби муаммолар кўриб чиқилган. Транспорт-технологик машиналарнинг коррозия, шовқин ва вирациядан ҳимоялаш учун кўп хусусиятли қопламалардан фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлиги назарий жиҳатдан асослаб берилган. Илмий-техник ва патент ахборотларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, кўп хусусиятли мақсадлар учун коррозияга қарши қопламалар ишлаб чиқишда уларнинг адгезион ва бошқа физик-механик хоссалари ҳамда ишлаш ва чидамлилигини белгиловчи эксплуатацион хоссалари деярли ҳисобга олинмаган. Мазкур диссертация иши ана шу муаммоларни ҳал этишга бағишланган.

Диссертациянинг «**Транспорт-технологик машиналар учун янги кўп хусусиятли қопламалар таркибини асослаш ва ишлаб чиқиш**» деб номланган иккинчи бобда объектларни танлаш асослаб берилган, янги кўп хусусиятли қопламанинг таркиби ва структура формуласи ишлаб чиқилган, ишлаб чиқилган қопламанинг физик-кимёвий ва механик хоссаларини ўрганиш усуллари баён қилинган.


ЭД-16 маркали эпоксид смоласи асосидаги термореактив полимер материаллар қаттиқлик ва емирилишга чидамли хусусиятга эгадир. Шунинг учун биз тадқиқот объекти сифатида ЭД-16 маркали эпоксид смоласини танладик ва циклокарбонат билан модификацияладик ва диаминлар циклокарбонатлар билан таъсири остида эпоксиуретан қопламаси синтез қилинди. Эпоксиуретан қопламасини биз қуйидагича олдик.

1. Циклокарбонатлар карбонат ангидриднинг эпоксид бирикмаларига таъсири натижасида олинган:



(1)

2. Диаминларнинг циклокарбонатлар билан бирикиши натижасида эпоксиуретан қопламаси синтез қилинди:



Қўшимчали эпоксиуретаннинг антикоррозион хоссалари ГОСТ бўйича лаборатория шароитида аниқладик, агрессив муҳит бўлиб 10%ли хлорид кислотаси (HCl) ишлатилди. Натижалар 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Синтез қилинган коррозияга қарши қопламанинг таҳлил натижалари

Намуна	Масса, г		Масса йўқотилиши	Изоҳ
	Текширувгача бўлган	Текширувдан кейинги		
Мис М	5,1072	5,1069	0,0003	чидамли
Пўлат Д	10,8331	10,8330	0,0001	чидамли
Алюминий АЛ-9	2,0691	2,0690	0,0001	чидамли

1-жадвалдан кўриниб турибдики, олинган қоплама кимёвий мустаҳкам бўлиб, пластинкаларнинг масса йўқотиши деярли кўринмайди, пўлат учун 0,0001, мис учун 0,0003, алюминий 0,0001 ни ташкил этди.

Турли факторлар таъсирида (атмосфера, иқлим, температура ўзгариши ва бошқалар) деталларнинг металл юзаларида коррозия жадаллик билан боради, айниқса юқори тузли тупроқларда, масалан Қашқадарё, Қорақалпоғистон ва Ўзбекистоннинг бошқа худудларида. Шунинг учун коррозион мустаҳкамлик бўйича тажрибалар 60°C температурада 120 саот давомида бошқа тузли эритмаларда ҳам олиб борилди, унинг натижалари 2-жадвалда келтирилган. 2-жадвалдан кўриниб турибдики, тажриба намуналарида коррозиядан химоялаш даражаси юқори бўлиб, 98,9% ни ташкил этади.

2-жадвал

Эпоксиуретан асосидаги кўп хусусиятли қопламанинг химоя даражаси натижалари

Тажриба мухити	Кўрсаткичлар	Қоплама билан ишлов берилмаган намуна	Металларга таъсири		
			Пўлат	Алюминий	Мис
NaCl 5%	К	0,0059	0,000069	0,000007	0,000061
	Z	-	98,8	99,8	98,9
Na ₂ CO ₃ 5%	К	0,0061	0,00060	0,000058	0,000080
	Z	-	90,2	99,1	98,6
Na ₂ SO ₄ 5%	К	0,0049	0,000061	0,000058	0,000061
	Z	-	98,7	98,8	98,7
NaHCO ₃ 5%	К	0,0057	0,000058	0,000058	0,000058
	Z	-	99,8	99,8	99,8

CaCO ₃ 5%	K	0,0029	0,000030	0,000028	0,000034
	Z	-	98,9	99	98,8

K (мг/см², сут.) – коррозия тезлиги, Z -% химоя даражаси.

3-жадвалда қопламанинг физик-кимёвий ва эксплуатацион хоссаларининг кўрсаткичлари келтирилган бўлиб, қопламаларнинг эриш ҳарорати 195-197⁰С ни, совуққа чидамлиги эса минус 28-30⁰С ни ташкил этди.

3-жадвал

Қопламанинг физик-кимёвий ва эксплуатацион хоссаларининг кўрсаткичлари

Хоссалари	Кўрсаткичлар	Изоҳ
Зарбага бўлган мустаҳкамлик, см	75	Юқори
Совуққа чидамлилиқ, °С	-28 -30	Етарлича
Иссиқликка чидамлик, (эриш температураси) °С	195-197	Етарлича
Панжара кесимлари усули билан адгезияси, балл, кўпи билан	1	Юқори
Коррозиядан химоялаш даражаси, %	98,9	Юқори

Жадвалдан кўришиб турибдики, транспорт-технологик машиналар қисмларига қўлланиладиган коррозиядан химоя полимер плёнкаси қисмларни нафақат коррозиядан химоя қилиши, балки бошқа муҳим вазибаларни ҳам бажариши мумкин, яъни маълум даражада шовқинни ҳам, вибрацияни ҳам ютади.

Диссертациянинг «Кўп хусусиятли қопламанинг транспорт-технологик машиналар коррозиябардошлилигини ошириш хусусиятларини аниқлаш бўйича экспериментал тадқиқотлари» деб номланган учинчи бобида тўлиқ миқёсда экспериментал тадқиқотларини ўтказиш методикасини ишлаб чиқиш натижалари келтирилган. Ушбу иш доирасида кўп хусусиятли қопламанинг коррозиябардошлилик хусусиятларини аниқлаш учун экспериментал тадқиқотлар ўтказиш методикаси ишлаб чиқилган. Ишлаб чиқилган методика техник агрегатлар ва транспорт ва технологик машиналарнинг таркибий қисмларининг ташқи юзасини кўп функцияли антикоррозион қоплама билан қоплашга асосланган.

Нуктавий коррозия даражасини аниқлаш бўйича экспериментал тадқиқотлар уч босқич, яъни: биринчи босқич-транспорт ва технологик машиналарнинг коррозияга учровчи жойларини назорат қилиш усулда аниқлаш, иккинчи босқич-коррозия қалинлигини аниқлаш коррозия ўчоқларини бурчакли жилвирлаш дастгоҳи ва бошқа чилангарлик жиҳозлари ёрдамида тозалаш, учинчи босқич-тозаланган металл юзаларни қоплама билан қоплаш ва ўлчов асбоблари билан назорат қилиш.

Эксплуатацион кузатувлар Қамчиқ давонида (Наманган вилояти Поп тумани) табиий шароитда олиб борилди.

Дастлаб кузатув ишлари олиб борилди. Юзадаги коррозия (кузовнинг пастки ва ост қисмлари, рамалар) шуни кўрсатдики, юза жуда шикастланган бўлиб, автомобил рамасида коррозия чуқурлиги 3,48 мм, баъзи бир жойларида (орқа қисмлари) металлнинг кўчиши кузатилди.


4-жадвалда коррозия даражасини аниқлаш натижалари келтирилган.

4-жадвал

Коррозия даражасини аниқлаш натижалари

Русуми	Давлат номери	Ишлаб чиқилган сана	Металл юзасининг коррозия даражаси, %		
			кузов	рама	орқа ғилдирак қаноти
MAN CLA 26.280	50 874 HAA	2012	90	85	100
MAN CLA 18.280	50 835 HAA	2012	45	85	100
MAN CLA 18.280	50 851 HAA	2013	40	80	100
MAN CLA 18.280	50 421 BBA	2013	40	85	100

1-расмда металл намуналарнинг транспорт эксплуатацион шароитида массасини йўқотишининг вақтга боғлиқлиги кўрсатилган.



1-расм. Металл намуналарнинг транспорт эксплуатацион шароитида массасини йўқотишининг вақтга боғлиқлиги


Бизнинг тажрибаларимиз-нинг кейинги босқичи антикоррозион қопламани суртишга тайёргарлик эди. Бунда мавжуд усуллардан

Энг содда ва қулай бўлган - бурчак - абразив-механик усул УШМ (бурчакли жилвирлаш дастгоҳи) танланди. Иккита намуна тайёрланди, бирисида титан қўшилган эпоксиуретан ва иккинчиси титан қўшилмаган. Қопламанинг нисбий қовушқоқлиги стандарт талабига кўра ВЗ-4 асбобида Р-4 эритувчисида 28 секунд давомида олиб борилди. Қоплама кузов ва рамаларга суртилди.

Қотгандан сўнг икки ой давомида кузатув ишлари олиб борилди. Бунда MAN CLA 26.280 самосвалининг ташқи тарафида ортиш-тушириш жараёнида айниқса, кузовнинг орқа қисмида экскаватор ковшининг юкланишдаги урилишидан ёриқлар ҳосил бўлганлиги, баъзи бир жойларда эса тирналишлар ва тозалаш имкони бўлмаган жойларда нуқтали коррозия кузатилди. Ўз-ўзидан зарбага бўлган мустаҳкамлик юқори кўрсаткичларга эга бўлмади. Шунинг учун биз титан қўшимчасисиз қоплама ишлатдик.


Шу билан бирга қопламанинг хоссаларини яхшилаш учун пластификатор табиати ва унинг концентрациясининг адгезияга, таъсир кучига, юзани қоплаши ва эластиклигига, қуритиш вақтига таъсирини ўрганиш учун лабораторияда бир неча бор синовлар ўтказилди. Бунинг учун пластификаторлар-дибутилфталат ва диоктилфталатнинг турли концентрациялари 5, 10, 15, 20, 30% аниқланди (5-жадвал).

2-расмда кўп функцияли қопламанинг чўзилиш мустаҳкамлик чегарасининг пластификатор концентрациясига боғлиқлиги кўрсатилган.



1-ДБФ, 2- ДОФ

2-расм. Чўзилиш мустаҳкамлик чегарасининг пластификатор концентрациясига боғлиқлиги



3-расм. Букилишдаги мустаҳкамлик чегарасининг пластификатор концентрациясига боғлиқлиги

3-расмда кўп хусусиятли қопламанинг букилишдаги мустаҳкамлик чегарасининг пластификатор концентрациясига боғлиқлиги кўрсатилган. Бунда эластиклик куйидаги формула билан аниқланди:

$$\varepsilon = \left(\frac{h+2t}{2r+h} \right), \% \quad (3)$$

Бунда: h-металл намуна қалинлиги; t-қоплама қалинлиги; r-стержен радиуси.

5-жадвал

Пластификатор концентрацияси ва табиатининг қопламанинг сифатига таъсири

Сифат кўрсаткичлар	Концентрация, %									
	Дибутилфталат (ДБФ)					Диоктилфталат (ДОФ)				
	5	10	15	20	30	5	10	15	20	30
Панжара кесимлари усулидаги адгезияси, балл, кўпи билан	2	1	1	2	2	2	1	1	2	2
Чўзилишдаги мустаҳкамлик чегараси, МПа	50	80	90	80	55	40	70	78	70	60
Букилишдаги мустаҳкамлик чегараси, %	27	34	34	27	22	27	34	34	27	22
Қуриш вақти, соат	24	24	24	24	23	22	22	23	22	21
Юзани қоплаши, гр/ см ²	80	85	75	80	90	85	80	85	90	75

5-жадвал ва 2, 3-расмлардан кўришиб турибдики, қопламаларда пластификаторнинг табиатидан қатъий назар энг самарали концентрацияси 10 ва 15 % экан. Шунинг учун зарбага бўлган мустаҳкамликни оширувчи эпоксид смоласига пластификатор (дибутилфталат) концентрацияси 10 ва 15% бўлган қопламанинг янги таркиби тайёрланди.

Назоратдаги давлат номери 50 421 ВВА бўлган MAN CLA 18.280 русумли йўл машинасига 10% пластификатор ва давлат номери 50 851 НАА бўлган MAN CLA 18.280 русумли йўл машинасига эса 15% пластификатор қўшилган қоплама суртилди. Рамалар куригандан сўнг қора рангли нитроэмал, кузов эса қизил рангга бўялди.

Диоктилфталат билан пластификацияланган композициянинг демпфрлаш хоссалари аниқланганда, пластификацияланган композициянинг эластиклик модули шишасимон ҳолатнинг барчасида пластификацияланмагандан юқори эканлиги аниқланди. Бу эса пластификатор полимер макромолекулаларини қайтагруппалашини, шу билан бирга материалнинг мустаҳкамлиги оширишини яна бир бор исботлади.

MAN CLA 26.280 самосвали ва MAN CLA 18.280 йўл машинаси тўлиқ юк билан ишлади. Ҳар 1 минг км юрганда кузатув ишлари олиб борилди. Кузатув ишларида юзада ҳеч қандай ёриқлар ва штрихлар кўринмади.

Автомобиль эксплуатацияси йилнинг иссиқ ва совуқ кунларида олиб борилди, юриш MAN CLA 26.280 учун 8,35 минг км, MAN CLA 18.280 йўл машинаси учун 4,8 минг км ни ташкил этди, ҳароратнинг ўзгариши қопламанинг мустаҳкамлиги ва адгезиясига таъсир кўрсатмади.

Диссертациянинг «**Транспорт ва технологик машиналарнинг узел ва деталларида кўп функцияли қопламанинг шовқин ва тебраниш хусусиятларини тадқиқ қилиш**» деб номланган тўртинчи бобида транспорт ва технологик машиналарнинг қисмлари ва деталларида кўп функцияли қопламанинг шовқин ва тебраниш хусусиятларини аниқлаш методикасини ишлаб чиқиш натижалари келтирилган. Транспорт-технологик машиналар турли хил эксплуатацион шароитларда ишлайди. Бу иқлим шароити, автомобиль йўлларининг ҳолати, ҳароратнинг кескин ўзгариши ва бошқалар. Бу жараёнда инсон омили ҳам муҳим аҳамиятга эга. Транспорт воситаси ишлаётганида ҳайдовчининг ҳолатига салбий таъсир кўрсатадиган шовқин ва вибрация мавжуд. Шунинг учун шовқин ва вибрация қийматларининг стандартлардан четга чиқиши транспорт воситаси ишлаётган вақтда ҳайдовчи соғлиғига таъсири қизиқиш уйғотади.

Ушбу бобда икки тизим динамикаси муаммоларини ҳал қилиш учун назарий билимлар, шароит ва усуллари муҳокамаси: “ўтирган” ҳолатда транспорт-технологик машиналарининг вибрация соҳаларда зарарли таъсирдан ҳайдовчини ҳимоясини таъминлаш учун мўлжалланган параметрлари билан «инсон-ўриндиқ-вибрацияни пасайтириш» келтирилган.

Биринчи марта антикоррозион қопламани қўллашдан олдин ва кейин шовқин ва тебранишни ўлчаш бўйича тажрибалар ўтказдик. Шовқин ва тебраниш (БВЕС.438150-005РЕ) «АССИСТЕНТ» курилмасида ўлчанди.

Шовқин ва тебраниш анализатори «АССИСТЕНТ» ўртача (эквивалент), экспоненциал ўртача ва товуш чўққиларини, инфратовуш ва ультратовушнинг юқори даражаларини ўлчаш учун; товуш, инфратовуш ва ультратовуш оралиқларида октава ва учинчи октава частота чизиқларида товуш босими даражалари; тебранишнинг ростланган даражалари умумий ва

маҳаллий вибрациянинг тезланиши, умумий ва маҳаллий вибрация оралиқларида октава ва учинчи октава частота полосаларида вибрациянинг тезланиш даражаларини ўлчашга мўлжалланган. Қурилма иш жойларида, турар-жой ва жамоат биноларида, ҳудудларда товуш, инфратовуш, ультратовуш, умумий ва маҳаллий тебраниш параметрларини ўлчаш учун ишлатилиши мумкин. Илмий тадқиқотларда машина ва механизмларнинг хусусиятларини ўлчаш учун фойдаланиш мумкин.


5-жадвалда кўп хусусиятли қопламанинг транспорт-технологик машиналарнинг шовқинига таъсири кўрсатилган.

5-жадвал


Кўп хусусиятли қопламанинг транспорт-технологик машиналарнинг шовқинига таъсири кўрсаткичлари

Қоплама билан ишлов берилмаган			Рухсат этилган шовқин	Қоплама билан ишлов берилгандан сўнг		Шоқиннинг ўзгариши	
Частота, Гц	Кўрсаткич, дБ	dBA, дБ	dBA, дБ	Кўрсаткич, дБ	dBA, дБ	Кўрсаткич, дБ	dBA, дБ
31.5	95.6	76	70	78.1	67	17,5	9
63.0	76.2			71.7		4,5	
125.0	68.5			65.5		3,0	
250.0	65.2			59.2		6,0	
500.0	61.1			50.8		10,3	
1000.0	58.4			39.9		18,5	
2000.0	51.8			36.6		15,2	
4000.0	45.8			33.5		12,3	
8000.0	39.5			31.9		7,6	

Қопламанинг антивибрация хоссасини аниқлаш учун динамик модель ишлаб чиқилди (4-расм). Биринчи марта шовқин ва тебранишни 20 км/соат автомобил тезлигида антикоррозия қопламани қўллашдан олдин ва кейин ўлчаш тажрибалари ўтказилди (5-расм).



4-расм. Антивибрация хоссасини аниқлаш динамик модели



5-расм. Транспорт воситасининг 20 км/соат тезлигидаги шовқинни ўзгариши

Қуйидаги дифференциал тенгламалар ишлаб чиқилган кўп функцияли қопламаларнинг тебраниш хоссаларини акс эттирувчи математик модел асосида

олинган.

$$\begin{cases} m_2 \ddot{x}_2 + C_2(\dot{x}_2 - \dot{x}_1) + K_2(x_2 - x_1) = 0 \\ m_1 \ddot{x}_1 + C_2(\dot{x}_1 - \dot{x}_2) + K_2(x_1 - x_2) + C_1(\dot{x}_1 - \dot{y}) + K_1(x_1 - y) = 0 \end{cases} \quad (4)$$

$$\begin{cases} m_2 \ddot{x}_2 + C_2 \dot{x}_2 + K_2 x_2 - C_2 \dot{x}_1 - K_2 x_1 = 0 \\ m_1 \ddot{x}_1 + \dot{x}_1(C_2 + C_1) + x_1(K_2 + K_1) - (C_2 \dot{x}_2 + K_2 x_2) = C_1 \dot{y} + K_1 y \end{cases} \quad (5)$$

$$\begin{cases} X_2(s)(m_2 s^2 + C_2 s + K_2) - X_1(s)(C_2 s + K_2) = 0 \\ X_1(s)(m_1 s^2 + s(C_2 + C_1) + (K_2 + K_1)) - X_2(s)(C_2 s + K_2) = R(s) \end{cases} \quad (6)$$

$$T_1(s) = \frac{X_1(s)}{R(s)} = \frac{(m_2 s^2 + C_2 s + K_2)}{(m_2 s^2 + C_2 s + K_2) * (m_1 s^2 + s(C_2 + C_1) + (K_2 + K_1)) - (C_2 s + K_2)^2} \quad (7)$$

$$T_2(s) = \frac{X_2(s)}{X_1(s)} = \frac{(C_2 s + K_2)}{(m_2 s^2 + C_2 s + K_2)} \quad (8)$$

Олинган параметрлар: $m_1 = 340 \text{ kg}$, $m_2 = 4.4 * 10^3 \text{ kg}$, $C_2 = 27627 \frac{Ns}{m}$, $C_1 = 2 * 10^5 \frac{Ns}{m}$, $K_2 = 967430 \frac{N}{m}$, $K_1 = 2 * 10^6 \frac{N}{m}$.

График ва расм маълумотларига кўра, кузовнинг қисмлари, рамалар ва узелларга қўлланилган қопламалар бошқа функцияларни ҳам бажариши

мумкин экан. Вибрация камаяди, кам вибрацияда эса автомобилнинг ишончилиги ортади, шовқиннинг пасайиши эса хайдовчи учун иш шароитини яхшилади, чарчашни пасайтиради.

Шундай қилиб, ишлаб чиқилган қоплама юқори антикоррозион хоссага эга бўлиб, металл сиртини ҳимоялайди ва бир вақтнинг ўзида автомобилнинг ишлаш даврини ва ишончилигини оширади, шовқин, тебранишни камайтиради.

Қопламани жорий этишдан олинган иқтисодий самарадорлик

$$\mathcal{E}_{УД} = (C_{1УД} * T) - (C_{2УД} * T), \text{сум}/1\text{авто} \quad (9)$$

бу ерда, $C_{1УД}$ – лок-бўёқ қоплама учун нисбий ҳаражатлар, сўм/кг;

$C_{2УД}$ – қоплама олиш учун сарфланган нисбий ҳаражатлар + лок-бўёқ материал, сўм/кг;

T – меҳнат ҳаражатлари, сўм.

Нисбий ҳаражатларни аниқлашда қуйидаги ҳаражатлар ҳисобга олинади: хомашё ва материаллар сотиб олиш; қоплама ишлаб чиқариш; электроэнергия; иш хақи; технологик ускуналар тўпламини сотиб олиш; бошқа ҳаражатлар.

Қоплама олиш учун хомашё: эпоксид смоласи – 75%; қотирувчи ПЭПА – 10%; дибутилфталат – 10%; эритувчи Р-4 – 5%.

Хомашё нархлари: эпоксид смоласи – 58000 сўм/кг; қотирувчи ПЭПА – 65000 сўм/кг; пластификатор Дибутилфталат – 30000 сўм/кг; эритувчи Р-4 – 18700 сўм/кг.

$C_{ап}$ = Қопламанинг таннари, сўм/кг

$C_{лкм}$ = лок-бўёқ материали, 50 000 сўм/кг

$R_{ап}$ = антикоррозион қоплама сарфи = 2,5 кг 1та автомобиль учун

$R_{лкм}$ = лок-бўёқ материалнинг сарфи = 3,9 кг 1та автомобиль учун

$$C_{ап} = 58000 * 75\% + 65000 * 10\% + 30000 * 10\% + 18700 * 5\% = 53935 \text{ сўм/кг}$$

$$C_{2УД} = 53935 * 2,5 + 50000 * 3,9 = 329837,5 \text{ сўм/1 авто (3 йилга)}$$

$C_1 (L_1)$ = лок-бўёқ қоплама учун нисбий ҳаражатлар, сўм/кг

$$C_{1УД} = C_{лкм} * R_{лкм} = 50000 * 7,8 = 390000 \text{ сўм/1 авто (1 йил)}$$

$R_{лкм}^*$ = Қопламасиз лок-бўёқ материалга кетган ҳаражат = 7,8 кг 1 та автомобиль (автомобиль 1 йилда 1 марта қопланиши керак).

$$\mathcal{E}_{УД} = 390000 * 3 - 329837,5 = 840162,5 \text{ сум}/1\text{авто 3 йилда}$$

Иқтисодий самарадорлик 280 054 сўм 1 та авто учун 1 йилда.

$$T = Z_{сут} * P * D_{раб} \quad (10)$$

$Z_{сут}$ = ишчининг бир суткадаги маоши, (ушбу корхона учун 4 ишчининг бир суткадаги маоши 2 200 000 дан 3 000 000 сўмгача, бир ойда 15 кун иш смена) = 173 333 сўм 1 кунда.

P = ишчилар сони, (эски қопламани тозалаш ва суртиш учун камида) 2 киши; $D_{раб}$ = юзани тозалаш ва суртиш 4 кун.

$$T = 173333 * 2 * 4 = 1386650 \text{ сўм}$$

$$\mathcal{E}_{УД} = (C_{1УД}(L_1) * T) - (C_{2УД}(L_2) * T), \text{сум}/1\text{авто}$$

$$\mathcal{E}_{УД} = (390000 + 1386650) * 3 - 329837,5 + 1386650 = 5329950 - 1716487,5 = 3613462,5 \text{ сум}/1\text{авто 3 йилда}$$

Бизнинг қопламани жорий этишдаги иқтисодий самарадорлик 1204487,5 сўмни ташкил этади (1 йилда 1 та автомобиль учун).

$$\begin{aligned} & \text{Умумий иқтисодий самарадорлик } Э_{\text{уд}} * A_{\text{тр}} \\ A_{\text{тр}} &= \text{корхонадагидаги автомобиллар сони } 60 \text{ та} \\ & 1\ 204\ 487,5 * 60 = 72269250 \text{ сўм йилига.} \end{aligned}$$

ХУЛОСАЛАР

1. Илмий техник адабиётлар, мақола ва бошқа манбалар таҳлили асосида коррозия ва унинг хусусиятлари назарий ва амалий ўрганилди ҳамда транспорт-технологик машиналарда кўп хусусиятли қопламаларни қўллаш уларнинг даврийлигини ошириши, шовқин ва титрашни пасайтиришга таъсири асосланди.

2. Маҳаллий хомашёлар асосида кўп хусусиятли қопламалар ишлаб чиқиш бўйича энг самарали таркиби танланди, унинг структура формуласи ишлаб чиқилди ва асосланди.

3. Янги ишлаб чиқилган кўп хусусиятли қопламаларнинг эксплуатацион хоссалари ўрганилди ҳамда юқори ёпишувчанлиги ва бошқа эксплуатацион хусусиятларини, жумладан, шовқин ва титрашни пасайтирувчи хусусиятлари тадқиқ қилинди ва кўп хусусиятли қоплама сифатида фойдаланиш имконини берди.

4. Кўп хусусиятли қопламаларни транспорт-технологик машиналарга қўллаш натижасида транспорт-технологик машиналарга коррозияга қарши навбатдаги ишлов бериш миқдори 4 мартага камайишига хизмат қилади.

5. Қопламанинг шовқинга таъсири тадқиқ қилинди ва транспорт-технологик машиналар кабинасида 0, 20, 30 км/соат тезликларида мос равишда 9, 8, 7 дБАга камайтириш имконини яратади.

7. Транспорт-технологик машиналарининг ҳайдовчи иш ўрнидаги вибрация амплитудаси аниқланди, 20, 30, 40, 50 км/соат тезликларда мос равишда 0,02, 0,05, 0,1, 0,15 мм га камайишга эришилди.

8. Тадқиқотнинг иқтисодий самарадорлиги баҳоланди. Тажриба натижаларини амалиётга тадбиқ этганда, фақатгина материаллар сарфидан ҳар бир транспорт-технологик машина учун йилига 280 054 сўм маблағни, сарфланадиган бўяш маҳсулотлари ва ишчи кучи сарфи камида 4 баробар тежалиши орқали йилига 1 автомобиль учун 1, 204 487 5 млн. сўмни иқтисод қилиш имконини яратади. Корхона миқёсида кутилаётган иқтисодий самарадорлик 72 269 250 сўмни ташкил этади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.18/30.12.2019.Т.09.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
ТРАНСПОРТНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТРАНСПОРТНЫЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

ИБРАГИМОВ БОТИР ДАСТАМОВИЧ

**ПОВЫШЕНИЕ ДОЛГОВЕЧНОСТИ ДЕТАЛЕЙ КУЗОВА И УЗЛОВ
ТРАНСПОРТНО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИХ МАШИН
МНОГОФУНКЦИОНАЛЬНЫМ ПОКРЫТИЕМ**

05.08.06 – Колесные и гусеничные машины и их эксплуатация

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент - 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована под номером В2021.1.PhD/T2138 в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном транспортном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице (www.tdtu.uz) и на Информационно-образовательном портале «Ziyounet» (www.ziyounet.uz).

Научный руководитель:

Хакимов Ровшан Муминович
кандидат технических наук, доцент

Официальные оппоненты:

Шарипов Конгратбой Аvezимбетович
доктор технических наук, профессор
Нуркулов Файзулла Нурмунинович
доктор технических наук

Ведущая организация:

Андижанский машиностроительный институт

Защита диссертации состоится «11» 12 2021 года в 10⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.18/30.12.2019.T.09.01 при Ташкентском государственном транспортном университете (Адрес: 100167, г. Ташкент, улица Адылходжаев, 1. Тел./факс: (998-71)-277-54-87, e-mail: tashiit_rektorat@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного транспортного университета (зарегистрирована № 039). (Адрес: 100167, г. Ташкент, улица Адылходжаев, 1. Тел.: (998-71)-277-54-87, e-mail: tashiit_rektorat@mail.ru).

Автореферат диссертации разослан «09» 11 2021 года.
(реестр Протокола рассылки № 8 от «30» 10 2021 года).



А.А.Рискулов

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

Р.М. Худайкулов

Член научного совета по присуждению ученых степеней, PhD, доцент

А.А.Музитдинов

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации.

На сегодняшний день, во всем мире уделяется большое внимание применению композиционных эпоксиуретановых полимерных покрытий с высокой эффективностью для защиты деталей кузова и узлов транспортно-технологических машин от коррозии и других воздействий. В связи с этим, важно создание многофункциональных покрытий на основе эпоксиуретановых полимерных материалов от коррозии, шумоизоляции и виброустойчивости, влияющие на узлы и части кузова транспортно-технологических машин. В связи с этим, в развитых странах, в том числе в Германии, Италии, США, Франции, Японии, Китае, России и других странах, применение новых многофункциональных покрытий с высокой надежностью и долговечностью в эксплуатации транспортно-технологических машин для увеличения срока службы деталей, узлов, кузова транспорта является особо важной задачей. Особое внимание уделяется разработке прочных многослойных покрытий, защищающие детали технологических машин такие как кузов, рамы, крылья.

В мире ведутся исследования по разработке методов и математических моделей, позволяющих увеличить срок службы транспортных и технологических машин, снизить уровень вибрации и шума с помощью многофункциональных защитных покрытий. В связи с этим, разработка математических моделей, отражающих вибрационные свойства многофункциональных покрытий ступиц и кузовных деталей транспортно-технологических машин, разработка динамических моделей для определения их свойств с учетом новых параметров антивибрации, коррозионной стойкости, адгезии, тепло- и морозостойкости и ударопрочности является особо важной. В то же время, необходимо разработать оптимальный состав на основе эпоксидной смолы для получения высоких физико-механических и эксплуатационных свойств, многофункционального покрытия узлов и деталей кузова транспортно-технологических машин.

В процессе массового производства легковых и грузовых автомобилей, дорожно-строительной техники особое внимание уделяется использованию многофункциональных покрытий, увеличивающих срок службы металлических деталей. Стратегия действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан подчеркивает задачи, в том числе «... эффективные механизмы продвижения исследований и инноваций, внедрения научных и инновационных достижений». Для выполнения этих задач, в том числе разработка многофункциональных композиционных эпоксиуретановых полимерных покрытий, обеспечивающих коррозионную стойкость транспортно-технологических машин, снижающих уровень шума на рабочем месте, поглощающих вибрацию, характеристику пластификатора и его влияние на адгезию, ударную прочность и эластичность поверхности, время

высыхания. Одним из важных вопросов является разработка улучшенных свойств и их применение на практике.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Законе Республики Узбекистан «О рациональном использовании энергии» (2020 г.), Указе Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 г. № ПФ-4947 «О Стратегии дальнейшего развития Республики Узбекистан», № PQ-841 от 20 октября 2018 г. «Реализация национальных целей и задач в области устойчивого развития до 2030 г. а также указанных Постановлением Правительства Республики Узбекистан от 15 марта 2020 года № ПП-6079 «Цифровой Узбекистан-2030» и другим нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением науки и технологий Республики Узбекистан II «Энергетика, энерго- ресурсосбережение, машиностроение и ресурсосбережение».

